

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ҲАМРОЕВ АЛИШЕР ШОДМОНҚУЛОВИЧ

**НОРАВШАН ТЎПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА
АСОСЛАНГАН БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛОВЧИ ТАНИБ ОЛИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хамроев Алишер Шодмонкулович

Норавшан тўпламлар назарияси элементларига асосланган баҳоларни
ҳисобловчи таниб олиш алгоритмлари 3

Хамроев Алишер Шодмонкулович

Распознающие алгоритмы вычисления оценок на базе элементов теории
нечетких множеств 19

Khamroev Alisher Shodmonkulovich

The recognition algorithms for calculating estimates based on the elements of
fuzzy sets theory 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 39

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ҲАМРОЕВ АЛИШЕР ШОДМОНҚУЛОВИЧ

**НОРАВШАН ТЎПЛАМЛАР НАЗАРИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИГА
АСОСЛАНГАН БАҲОЛАРНИ ҲИСОБЛОВЧИ ТАНИБ ОЛИШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т47 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Камилов Мирзаян Мирзаахмедович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Игамбердиев Хусан Закирович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Н.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон фаолиятининг турли соҳаларида объектлар, жараёнлар ва ҳодисалар ҳақидаги ахборотлар ҳажмининг кескин ортиб боргани сайин, уларни интеллектуал таҳлил қилиш тизимларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Интеллектуал тизимларда тимсолларни аниқлаш ҳамда норавшан тўпламлар назарияси асосида ишлаб чиқиладиган усул ва алгоритмлардан технологик қурилмаларда фойдаланиш орқали «Инсонлар орасида робототехник қурилмаларининг учраши одатий ҳолга айланиб, 2017 йилда Халқаро робототехника федерацияси тадқиқотларида келтирилишича 2016 йилда дунёда 1,5 миллион атрофида роботлар меҳнат қилган бўлса, 2017 йилнинг охирига келиб, уларнинг сони 1,9 миллионга оширилади»¹. Шу жиҳатдан, жаҳоннинг етакчи ҳорижий давлатларида, жумладан АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Россия, Озарбайжон ҳамда Ўзбекистонда норавшан тўпламлар назариясини амалиётга тадбиқ этилиши борасида олиб бориладиган ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон амалиётида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш, тимсолларни аниқлаш каби инсон ақл-идрокига таянадиган йўналишларда норавшан тўпламлар устида ишлайдиган «табиий» ёндашувли замонавий усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан тимсолларни аниқлашнинг қисмий прецедентлик тамойилига асосланган эвристик алгоритмлари ҳамда норавшан тўпламлар назарияси элементлари қўлланиладиган таниб олиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда республикамызда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, маълумотларга ишлов бериш ва сақлаш учун маълумотлар марказини (Data Centre) яратиш ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан катта ҳажмли ахборотлар (тасвирлар, сигналлар, овозлар ва видео) кўринишидаги маълумотларни сақлаш, рақамли ишлов бериш ҳамда интеллектуал таҳлил қилишга мўлжалланган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бир қаторда, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш соҳасида ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулотлар самарадорлигини ошириш мақсадида турли типли белгилар, жумладан норавшан тўпламлар орқали тавсифланадиган объектларни қиёслаш модулларини такомиллаштириш ва тимсолларни аниқлашнинг модификацияланган алгоритмларини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга янада қулай ташкилий, технологик ва

¹ <https://rb.ru/longread/The-future-is-not-painful/>

иктисодий шароитлар яратиш, ... иктисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш тизимлари учун норавшан тўпламлар назарияси элементларидан фойдаланиладиган таниб олиш алгоритмларни ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғриси»даги Фармонлари, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникацион технологияларни иктисодиётнинг реал секторига янада жорий қилиш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада амалга ошириш учун хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тимсолларни аниқлаш соҳасида прецедентлар асосида таниб олишга оид бир қатор илмий изланишлар олиб борилган бўлиб, жумладан, Ф.Розенблатнинг дастлабки таниб олувчи нейрон тўрлар модели (Розенблат перцептрони), россиялик олимлар М.А.Айзерман, Э.М.Браверман, Л.И.Розоноэрларнинг потенциал функциялар усули, В.Н.Вапник, А.Я.Червоненкиснинг тимсолларни аниқлашнинг статистик назарияси, Ю.И.Журавлевнинг баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари, Вл.Д.Мазуровнинг комитетлар усули, Н.Г.Загоруйконинг таксономия ва билимларни таҳлил қилиш алгоритмлари, Г.С.Лбов таниб олиш ва боғлиқликларни излашнинг мантиқий усуллари ва ш.к. йўналишлар назарияси ўрганилди. Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари С.В.Яблонскийнинг қисмий прецедентлик тамойилига асосланган тест алгоритми ғоясига таяниб, Ю.И.Журавлев томонидан ишлаб чиқилган ва унинг мактаби олимлари томонидан такомиллаштириб келинмоқда. Тимсолларни аниқлашнинг ушбу йўналиш-даги усул ва алгоритмлари устида мамлакатимиз олимларидан М.М.Камилов, Ш.Х.Фозилов, Ф.Т.Адилова, З.Т.Адилова, Н.А.Игнатъев, А.Х.Нишанов, Э.М.Алиев, Ш.Э.Туляганов ва бошқалар салмоқли ҳисса қўшганлар.

Норавшан тўпламлар назарияси ўтган асрнинг 60-йилларида америкалик олим Л.Заде томонидан асос солинган бўлиб, бу йўналиш инсон фикрлашига яқин моделлаштириш, таснифлаш ва маълумотлар таҳлили каби масалаларни ҳал этишда лингвистик термлар орқали табиий тилда баён этилган

² <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document/2>

ахборотлардан фойдаланади. Норовшан тўпламлар назарияси йўналиши бўйича хорижда Л.Заде, А.Дюбуа, А.Прада, Е.Мамдани, М.Сугено, Т.Таахи, М.Джамшиди, Н.Н.Моисеев, С.А.Орловский, Э.Мушник, О.И.Ларичев, Г.С.Поспелов, Д.А.Поспелов, Р.А.Алиев ва бошқалар. ҳамда Ўзбекистонда интеллектуал гибрид тизимларни, саноатда юмшоқ ҳисоблаш тизимларига асосланган, ноаниқлик шароитида қарорлар қабул қилиш, норовшан тўпламлар назарияси, норовшан мантиқ хулосалари усуллари ишлаб чиқишда Ф.Б.Абуталиев, Т.Ф.Бекмуратов, Д.Т.Мухамедиева, М.А.Рахматуллаев, Н.Р.Юсупбеков, Р.Н.Усманов, О.Ж.Бобомуродов, З.Б.Минглиқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Шунга қарамасдан, норовшан тўпламлар назарияси элементларидан фойдаланадиган баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф004 «Қисмий прецедентликка асосланган инфор­мацион-таниб олиш тизимларининг назарияси ва уларни маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш учун тадбиқ этиш усуллари» (2012-2016), ФА-А17-Ф006 «Объект ҳақидаги ахборотни ноаниқ шароитда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш учун мослашувчан тимсолларни таниб олиш тизими алгоритмик таъминоти» (2012-2014) ва А-5-004 «Ўсимликларни идентификациялаш ахборот-таниб олувчи тизимининг дастурий-алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш» (2014-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда норовшан тўпламлар назарияси элементларидан фойдаланилиб модификацияланган баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

баҳоларни ҳисоблашга асосланган таниб олиш моделлари параметрларининг мақбул қийматларини топиш усул ва процедураларини ишлаб чиқиш;

норовшан тўпламлар билан тавсифланадиган белгилар учун тегишлилик функцияларини қуриш ва улар ёрдамида яқинлик функцияси қийматларини топиш алгоритми босқичларини такомиллаштириш;

тимсолларни аниқлаш масалаларини ечишда норовшан тўпламлар назарияси элементлари қўлланиладиган модификацияланган баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

таянч тўпламлар тизимини шакллантириш учун синфлар орасидаги белгили муносабатларни аниқлаш ёндашувини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар асосида таниб олувчи дастурий мажмуа ПРАСК-2ни яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш тизимлари учун баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини такомиллаштириш жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари, норавшан тўпламлар назарияси элементлари, таниб олиш алгоритмлари моделлари ва тегишлилик функцияларини параметрлаштириш усул ва алгоритмлари ҳамда тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш учун дастурий мажмуалардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш, тимсолларни аниқлаш, норавшан тўпламлар назарияси, математик статистика ва моделлаштириш ҳамда объектга йўналтирилган дастурлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

баҳоларни ҳисоблашга асосланган таниб олиш алгоритми моделларида бўсағавий параметрлар ва овоз бериш узунлигининг мақбул қийматларини аниқлаш усул ва процедуралари ишлаб чиқилган;

генетик алгоритм ёрдамида бўсағавий параметрлар ҳамда тегишлилик функциялари параметрларининг мақбул қийматларини аниқлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

норавшан тўпламлар назарияси элементлари асосида саккиз босқичли баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларининг модификацияланган модели ишлаб чиқилган;

қисмий прецедентлик тамойили асосида таянч тўпламлар тизимини шакллантириш учун синфлар орасидаги белгили муносабатларни аниқлаш ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

модификацияланган баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари асосланган «Тимсолларни аниқлаш», ПРАСК-2/2М, «Tulipa Recognition» дастурий мажмуалари яратилган;

таниб олувчи дастурий мажмуаларнинг турли типли белгилар орқали тавсифланадиган объектларни қиёслаш учун яқинлик функцияси, тегишлилик функциялари ва элементар мантиқий классификаторларга асосланган модуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги услубий жиҳатдан масаланинг математик қўйилиши ва уни ечиш учун қўлланилган таниб олиш усул ва алгоритмларининг қатъийлиги, ечилган масалаларнинг назарий ва амалий натижаларининг мувофиқлиги, тест функцияси натижалари ҳамда реал амалий соҳаларга тадбиқи натижаларини солиштириш мослиги орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларида норавшан тўпламлар назарияси элементларидан фойдаланиш ёндашувларини ишлаб чиқилиши баробарида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш тизимларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти модификацияланган қисмий прецедентлик алгоритмлари асосида ишлаб чиқилган таниб олувчи дастурий мажмуа тимсолларни аниқлаш масалаларини янада самарали ҳал этиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Норавадан тўпламли ўқув ва назорат танланмаларда таниб олиш масалаларини ечиш учун ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар ҳамда таниб олувчи дастурий мажмуалар асосида:

турли типли белгили объектларни қиёслаш процедуралари ва модификацияланган таниб олиш алгоритмларига асосланган ПРАСК-2 таниб олувчи дастурий мажмуаси Жиззах қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 декабрдаги 33-8/8689-сон маълумотномаси). Натижада экинлар ва экинзорларнинг мувофиқлиги ҳамда ҳосилдорликни башоратлашни автоматлаштириш орқали кутилаётган ҳосилдорликни йилига 2-3%га ошириш имконини берган;

ПРАСК-2М таниб олувчи дастурий мажмуаси Самарқанд вилоят «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхонасида ахборотларни қайта ишлаш ва башоратлаш тизимида хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини баҳолаш, таснифлаш ва башоратлаш масалаларини ҳал этишга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 декабрдаги 33-8/8689-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ахборотларни қайта ишлаш ва башоратлаш тизимида хизмат кўрсатиш объектлари фаолияти мониторингини 20-30%га тезкор ўтказиш орқали умумий иш фаолиятининг коэффицентини йилига 4-6%га ўсиш имконини берган;

норавадан тўпламлар назарияси элементлари қўлланилган модификацияланган баҳоларни ҳисоблашнинг алгоритмлари, ПРАСК-2М мажмуаси Самарқанд вилоят «Компьютерлаштириш маркази» давлат унитар корхонасига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 декабрдаги 33-8/8689-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида белгилар фазосини шакллантириш, ўқув танланмаларни ташкил этиш ва назорат объектларини таснифлашни самарали амалга ошириш орқали бир ойда умумий вақт сарфини 15-20%га тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 9 та халқаро ва 21 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 51 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақолалар, 3 таси ҳорижий ва 7 таси республика журналларида нашр қилинган ҳамда 8 та ЭҲМ дастурлари ва маълумотлар базаларини қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Объектлар ҳақидаги ахборотларнинг ноаниқлиги шароитида маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш ёндашувлари”** деб номланган биринчи бобда объектлар ҳақидаги ахборотларнинг миқдорий ва сифатий кўринишлари ҳамда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни аниқлашнинг усулларининг замонавий ҳолатлари аналитик таҳлили келтирилган.

Биринчи параграфда реал соҳа объектларини белгили тавсифлаш муаммолари, объектлар ҳақидаги ахборотларнинг турли типлилиги ва норавшанлик шароитидаги муаммолар муҳокама этилган.

Иккинчи параграфда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни аниқлашнинг замонавий усул ва алгоритмлари таҳлил қилинган. Тимсолларни аниқлашда прецедентлик ва қисмий прецедентлик тамойиллари ва уларга асосланган усул ва алгоритмлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилган.

Учинчи параграфда баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари (БХА)нинг ҳар бир босқичидаги параметрлар таҳлили ҳамда ушбу алгоритмларни ўқитиш масалалари келтирилган.

Икки S ва S_q объектларнинг i -белгиси бўйича $x_i \in X_i$ ва $x_{iq} \in X_i$, $i = \overline{1, n}$, $q = \overline{1, m}$, элементларини қиёслаш учун $\rho_i(x_i, x_{iq})$ элементар мантиқий классификатор киритилади. БХАнинг иккинчи босқичида S ва S_q объектларнинг $\tilde{\omega}$ -қисми (белгиларнинг k та танланмаси) бўйича яқинлик функцияси қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$r(\tilde{\omega}S, \tilde{\omega}S_q) = \begin{cases} 1, \text{ агар } \sum_{i=1}^k \rho_i(x_i, x_{iq}) \leq \varepsilon \\ 0, \text{ бошқа ҳолатларда.} \end{cases} \quad (1)$$

Бу ерда $\tilde{\omega}S$, $\tilde{\omega}S_q$ – S ва S_q объектларининг $\tilde{\omega}$ -қисми, $1 < k < n$.

Тўртинчи параграфда тимсолларни аниқлаш масалаларини ечиш босқичларида норавшан тўпламлар назариясининг ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача тавсифлар келтирилган. Унда объектлар белгиларининг норавшан тўпламлар орқали ифодаланиши, уларни қиёслаш учун тегишлилик функцияларининг турлари келтирилган. Ўқув танланма объектларининг i -норавшан белгиси B , C , ... норавшан тўпламлари тегишлилик функциялари қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$B = \left\{ \frac{\mu_B(x_i)}{x_i} \right\}, C = \left\{ \frac{\mu_C(x_i)}{x_i} \right\}, \dots \mu_*(x_i) \in [0, 1]. \quad (2)$$

Бу ерда, $\mu_B(x_i)$, $\mu_C(x_i)$, ... – x_i элементнинг берилган норавшан тўпламга тегишлилигини аниқловчи тегишлилик функциялари.

БХАда таниб олиш масаласини ҳал қилиш учун $\{A\}$ алгоритмлар тўплами ва $\varphi_A(Z)$ сифат функционали қуйидаги ифодаланеди:

$$A(S) = (\alpha_1^A(S), \alpha_2^A(S), \dots, \alpha_l^A(S)), \alpha_i^A(S) \in \{0, 1, \Delta\}, i = 1, 2, \dots, l. \quad (3)$$

Тимсолларни аниқлашнинг стандарт функционал сифати

$$\varphi(A) = \frac{1}{nm} \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m |\alpha_{ij} - \alpha_{ij}^A|.$$

Бешинчи параграфда дастлабки параграфларда келтирилган таҳлилий натижалар асосида масаланинг қўйилиши шакллантирилди. Унда $\{A\}$ алгоритмлар тўпамидан шундай A^* алгоритмни топиш талаб этиладики, унинг сифат функционали энг юқори қийматга эга бўлсин:

$$\varphi(A^*) = \sup_{A \in \{A\}} \varphi(A)$$

Буни амалга ошириш учун турли типли белгиларни қиёслаш учун $\rho_i(x_i, x_{iq})$ элементар мантиқий классификаторларни шакллантириш, норавшан тўпламлар учун тегишлилик функцияларини куриш, модификацион БХАни ишлаб чиқиш ва унинг моделларини қиёслаш каби вазифалар шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Қисмий прецедентлик тамойилига асосланган таниб олиш алгоритмларида параметрлаштириш”** номли иккинчи бобида қисмий прецедентликка асосланган таниб олиш алгоритмлари параметрлари ва уларнинг мақбул қийматларини аниқлаш усул ва алгоритмлари келтирилган.

Бобнинг биринчи параграфда $\{A_q(k, w_{\tilde{\omega}}, \varepsilon, \varepsilon_i, p_i, \gamma(S_j), r, v_u, \delta_1, \delta_2)\}$ алгоритмлар, уларнинг боғлиқлиги, таниб олишдаги ўрни ҳамда умумий схемаси келтирилган. Бундан ташқари, БХА параметрларидан босқичма-босқич фойдаланиш ҳамда уларни қийматларини аниқлаш алгоритмлари таклиф этилган. БХА параметрларнинг мақбул қийматларини аниқлаш жараёнида “кам параметрли”, “ўрта параметрли” ва “кўп параметрли” моделлар аниқланган.

Иккинчи параграфда объектлар турли типли белгилари қийматларини қиёслаш учун ρ_i элементар мантиқий классификаторлар (ЭМК) келтирилади:

а) агар объект белгиси икки қийматни (яъни бинар) қабул қилса, у ҳолда:

$$\rho_i(x_{ij}, x_{iq}) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x_{ij} = x_{iq} \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{акс ҳолда;} \end{cases} \quad (4)$$

б) агар белги миқдорий бўлиб, дискрет ва узлуксиз қийматлардан иборат бўлса, унда қиёслаш функцияси қуйидаги бўлади:

$$\rho_i(x_{ij}, x_{iq}) = \begin{cases} 1, & \text{агар } |x_{ij} - x_{iq}| \leq \varepsilon_i \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{акс ҳолда.} \end{cases} \quad (5)$$

Бу ерда ε_i – i -миқдорий белги учун ўрнатилган бўсаға қиймати;

с) агар белги тартибланган тўпламдан иборат бўлса, унда $\tilde{X}_i \in X_i$ қисм тўплам элементлари қуйидагича қиёсланади:

$$\rho_i(x_{ij}, x_{iq}) = \begin{cases} 1, & \text{агар } x_{ij} \in \tilde{X}_i, x_{iq} \in \tilde{X}_i \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{акс ҳолда;} \end{cases} \quad (6)$$

d) агар белги норавшан қийматлар, яъни B_1, B_2, \dots, B_t норавшан тўплалар орқали ифодалан бўлса, унда ρ_i қиёслаш функцияси $\mu_{B_u}(x_{ij}), u = \overline{1, t}$ тегишлилик функциянинг натижасига асосан аниқланади:

$$\rho_i(x_{ij}, x_{iq}) = \begin{cases} 1, & \text{агар } \mu_{B_u}^*(x_{ij}) = \mu_{B_u}^*(x_{iq}) \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{акс ҳолда.} \end{cases} \quad (7)$$

Бу ерда $\mu_{B_u}^*(x_{ij}) = \max_{u=1, t} \mu_{B_u}(x_{ij}), \mu_{B_u}^*(x_{iq}) = \max_{u=1, t} \mu_{B_u}(x_{iq})$. Икки норавшан белгилар қийматларининг ўзаро яқинлиги уларнинг энг катта қиймат олувчи терм-тўплаларининг тенглиги билан характерланади.

Учинчи параграфда берк тестларни аниқлаш усули таҳлил қилиниб, Ω_A таянч тўплалар тизимини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Унда таянч тўплалар тизимини тўлиқ перебор ва белгиларнинг информативлик даражаларига нисбатан аниқлаш босқичлари келтирилади. БХАнинг A алгоритми бўйича аниқланган барча Ω_A таянч тўплалар тизимидан шундай Ω_A^k аниқланадики, $\varphi(\Omega_A^k) \rightarrow \max$ бўлади. Бу ерда k – овоз бериш узунлиги.

Тўртинчи параграфда (5) кўринишдаги формула бўйича микдорий белгиларни қиёслаш учун фойдаланиладиган ε_i -бўсағавий қийматларни ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган. Диссертацияда ε_i -бўсағалар қийматларини ҳисобловчи \min тах, математик кутилма, оралик, БХА, эволюцион алгоритмларга асосланган усуллар келтирилган. Шунингдек, диссертация ишида берилган танланмада ушбу усулларнинг энг мақбулини танлаш алгоритми батафсил баён этилган.

Бешинчи параграфда ε_i -бўсағалар қийматларини аниқлаш учун генетик алгоритмдан (ГА) фойдаланиш алгоритми келтирилган. Бу алгоритмда ε_i -бўсағаларнинг ГА операторлари воситасида генерацияланган тасодикий қийматлари мақсад функцияси БХА ёрдамида текширилади ва сошлаб борилади. Бу ерда t тасодикий микдорлар бўйича аниқланган φ_t сифат функционалларида энг мақбул φ^* ни аниқлаш талаб этилади:

$$\varphi^* = \max \left(\varphi_t \left(\Gamma_u(S_j), GA_t(x_i(S_j), \varepsilon_i) \right) \right). \quad (8)$$

Бу ерда $\Gamma_u(S_j)$ – БХАда S_j объектни K_u синфга берган овози, $GA_t(x_i(S_j), \varepsilon_i)$ – эса i -белги учун ε_i қийматларини ГА воситасида аниқлаш функцияси.

Диссертациянинг **“Норавшан тўплалар назарияси асосида баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш”** номли учинчи бобида БХАда норавшан тўплалар назарияси элементларини қўллаш асосида унинг саккиз босқичли модификацияси ҳамда синфлар орасидаги белгили муносабатларни аниқлаш ёндашуви ишлаб чиқилган.

Биринчи параграфда норавшан тўплалар, лингвистик термлар, тегишлилик функциялари кўринишлари келтирилган. Тегишлилик функцияларини қуришда фаззификация ва дефазификация баъзи усуллари тадбиқ этилган.

Иккинчи параграфда норавшан тўпламлар назарияси элементлари қўлланилган БХАнинг саккиз босқичли модификацион версияси ишлаб чиқилган:

1. *Норавшан тўпламлар учун тегишлилик функцияларини қуриш.* Дастлабки босқичда иланган норавшан белгининг норавшан тўпламлари устида фаззификация ва дефаззификация амаллари бажарилади:

Фаззификациялаш жараёнида ҳар бир норавшан тўплам учун тегишлилик функцияси қурилади, масалан, қуйидаги кўринишдаги кўнғироқсимон тегишлилик функциясини танлаш мумкин:

$$\mu_B(a_j; b, c) = \sum_{j=1}^k \frac{1}{1 + \left(\frac{a_j - c}{b}\right)^2}. \quad (9)$$

Бу ерда b ва c параметрлар.

Дефаззификациялаш жараёнида ҳар бир норавшан X_i белги учун μ_B^i тегишлилик функциялари ёрдамида норавшан сонни ягона сонга ўтказилади. Дефаззификация усулларида бири сифатида оғирлик маркази усули келтирилган:

$$\bar{x}_i = \frac{\sum_{j=1}^N \mu_B(a_j) \cdot a_j}{\sum_{j=1}^N \mu_B(a_j)} \quad (10)$$

2. *Норавшан белгиларни қийслашда норавшан бўсағавий параметрларни аниқлаш.* Бу босқичда тегишлилик функцияларида бериладиган параметрларнинг мақбул қийматлари аниқланади. Диссертация ишида (9) да келтирилган b ва c параметрларнинг мақбул қийматлари генетик алгоритм (8) ёрдамида топиш алгоритми келтирилган.

3. *Таъянч тўпламлар тизими.* Бу босқичда $\{X_1, X_2, \dots, X_n\}$ белгилар тўпламидан мавжуд бўлган барча $M_{\tilde{\omega}}$ қисм тўпламларни аниқланади. Барча Ω қисм тўпламлардан A алгоритм орқали аниқланган $\Omega_A \subseteq \Omega$ таянч тўпламлар тизимни аниқлаш талаб этилади. Ҳар бир Ω_A таянч қисм тўпламда қандайдир k ($k = 1, 2, \dots, n - 1$) та белги иштирок этади. Улар 0 ёки 1 қиймат қабул қилувчи $\tilde{\omega} = (\omega_1, \omega_2, \dots, \omega_n)$ вектор орқали шакллантирилади. Агар $\omega_i = 1$ бўлса, i -белгининг танланган, акс ҳолда танланмаганлигини билдиради.

4. *Яқинлик функцияси.* S ва S_q қаторларнинг $\tilde{\omega}$ -қисми ($\Omega_A \Leftrightarrow \tilde{\omega}$) учун $r(\tilde{\omega}S, \tilde{\omega}S_q)$ яқинлик функциясининг қиймати аниқланади. Яқинлик функциясининг қиймати (4)-(7)да ифодаланган элементар мантиқий классификаторлар ёрдамида аниқланади.

5. *Фиксирланган таянч тўплам қаторлари бўйича баҳоларни ҳисоблаш.* Бу босқичда фиксирланган таянч тўпламнинг $\tilde{\omega}S, \tilde{\omega}S_q$ ($q = 1, 2, \dots, t$) қаторлар бўйича $\Gamma_{\tilde{\omega}}$ баҳолари ҳисобланади:

$$\Gamma_{\tilde{\omega}}(S, S_q) = \gamma_1(S_q) \gamma_2(S_q) r(\tilde{\omega}S, \tilde{\omega}S_q)$$

$\gamma_1(S_q), \gamma_2(S_q)$ – S_q объект учун ташқи параметрлар. Параметрлар қийматлари маълум бўлмаса, унда $\Gamma_{\tilde{\omega}}(S, S_q) = r(\tilde{\omega}S, \tilde{\omega}S_q)$ бўлади.

6. Фиксирланган таянч тўплам бўйича синф учун баҳоларини ҳисоблаш. $\tilde{\omega}$ -қисми бўйича K_u синфга берилган баҳони ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Gamma_{\tilde{\omega}}^u(S) = \psi \left(\tilde{\omega}\Gamma(S, S_{j_1}^u), \tilde{\omega}\Gamma(S, S_{j_2}^u), \dots, \tilde{\omega}\Gamma(S, S_{j_t}^u) \right)$$

$S_{j_i}^u \in K_u, i = \overline{1, t}, t - K_u (u = \overline{1, l})$ синфдаги объектлар сони.

Масалан, K_1 синф объектлари учун баҳоларни ҳисоблаш қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\Gamma_{\tilde{\omega}}^1(S) = \sum_{q=1}^{m_1} \tilde{\omega}\Gamma(S, S_q).$$

7. Таянч тўпламлар тизимлари бўйича K_u синфнинг баҳоси. Барча таянч тўпламлар тизими бўйича S объектнинг K_u синфга берган овозларининг жамланмаси қуйидагича ҳисобланади:

а) $\Gamma_u(S) = \sum_{\tilde{\omega} \in \Omega_A} \Gamma_{\tilde{\omega}}^u(S);$

б) баҳолар нормаллаштирилганда $\Gamma_u(S) = \frac{1}{N} \sum_{\tilde{\omega} \in \Omega_A} \Gamma_{\tilde{\omega}}^u(S);$

в) $\tilde{\omega}$ муҳимлик даражаси аниқланганда $\Gamma_u(S) = \phi(\tilde{\omega}) \sum_{\tilde{\omega} \in \Omega_A} \Gamma_{\tilde{\omega}}^u(S).$

8. Алгоритм учун ҳал қилувчи қоида. Таянч тўпламлар тизимлари бўйича ҳисобланган $\Gamma_u(S) (u = 1, 2, \dots, l)$ овозлар орқали S объектни қайси синфга тегишлилиги $F(\Gamma_1(S), \Gamma_2(S), \dots, \Gamma_l(S)) = u, 1 \leq u \leq l$ функция орқали қуйидагича аниқланади:

а) $F(\Gamma_1(S), \Gamma_2(S), \dots, \Gamma_l(S)) = \begin{cases} u, & \text{агар } \Gamma_u(S) - \Gamma_j(S) \geq \delta_1 \\ 0, & \text{қолган барча ҳолатларда} \end{cases}$

б) $F(\Gamma_1(S), \Gamma_2(S), \dots, \Gamma_l(S)) = \begin{cases} u, & \text{агар, } \begin{cases} 1^0 \Gamma_u(S) - \Gamma_j(S) \geq \delta_1 \\ 2^0 \frac{\Gamma_u(S)}{\sum_{j=1}^l \Gamma_j(S)} \geq \delta_2 \end{cases} \\ 0, & 1^0 \text{ ёки } 2^0 \text{ шартлардан бири бажарилмаса.} \end{cases}$

Бу ерда δ_1 , ва δ_2 катталиқлар объектларни синфларга тегишлиликни чегараловчи бўсағавий ўзгармас қийматлардир.

Учинчи параграфда тегишлилик функцияларини куришда уларнинг параметрларини сошлаш учун генетик алгоритмдан фойдаланилган. Унда генетик алгоритмнинг барча босқичлари, чатиштириш, мутация, популяцияни генерациялаш операторлари ҳамда мақсад функцияси ҳақида батафсил ёритилган. Мувофиқлик функцияси сифатида БХА олинган.

Тўртинчи параграфда БХА ёрдамида синфлар орасидаги белгили муносабатларни аниқлаш процедураси ишлаб чиқилган. K_u ва $K_c (u, c = 1, 2, \dots, l, u \neq c, l > 2)$ синфларни ажратишга етарли бўладиган, энг кам сонли белгиларнинг қисм тўплагини тақдим этадиган ушбу синф жуфтликлари орасидаги $R(K_u, K_c)$ муносабатлар аниқланади. Бундан K_u ва K_c синф объектларини қиёслаш учун информатив бўлган белгиларни аниқлаш масаласини ҳал этиш талаб этилади. $R(K_u, K_c)$ муносабат учун $w_t =$

$(g_1, g_2, \dots, g_{n_t})$ вектор аниқланади ва у орқали R_{uc} муносабат учун информатив, резерв ва информатив бўлмаган белгиларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқланади. Агар $1 \geq g_i > h_1$ бўлса, i белги информатив, агар $h_1 \geq g_i > h_2$ бўлса, белги резерв, $h_2 \geq g_i \geq 0$ бўлганда эса, i – белги информатив эмас ҳисобланади. Бу ерда $h_1 > h_2$ ($h_1 > h_2$) чегаравий қийматлар.

Агар синфлар орасидаги $R(K_u, K_c) = R_{uc}$, $u = 1, 2, \dots, l_t - 1$, $c = \overline{u + 1, l}$ белгили муносабатларда $K_u \cap K_c = \emptyset$, $K_u, K_c \neq \emptyset$, $n \geq 1$, $l \geq 2$ шартлар қаноатлантирилса қуйидаги тасдиқлар ўринли бўлади.

Тасдиқ 1. K_u ва K_c синфлар орасидаги белгили муносабатларнинг v ($v \in \mathbf{N}$) сони 1 дан C_l^2 гача ораликда ўзгаради.

Тасдиқ 2. $\forall R(K_u, K_c) \neq \emptyset$.

Тасдиқ 3. Агар $\forall X_i \in \{X\}$ белги R_{uc} ($u = 1, 2, \dots, l_t - 1$, $c = \overline{u + 1, l}$) муносабатларда камида бир марта иштирок этса, у ҳолда $R_{1,2} \cup R_{1,3} \cup \dots \cup R_{l-1,l} = n$ бўлади.

Агар синф жуфтликлари объектларини бир ёки бир нечта информатив ёки резерв белгилар орқали таснифлаш мумкин мумкин бўлса, унда қуйидаги теорема ўринли бўлади.

Теорема 1. Агар $S_j \in K_u$, $K_c \neq \emptyset$ бўлса, у ҳолда $S_j \notin K_c \Leftrightarrow R(K_u, K_c) \neq \emptyset$ бўлади.

Теорема ва тасдиқларнинг исботи диссертацияда баён этилган.

Ишда “информатив”, “резерв” ва “ноинформатив” тушунчалари терм-тўпламлар сифатида қаралган ва уларга мос тегишлилик функциялари қурилади.

Ишлаб чиқилган ушбу ёндашув асосида ўсимликларнинг “*Tulipa L.*” туркуми намуналарини морфологик белгилари бўйича таснифлаш масаласи ҳал этилди. Масалан, K_1 ва K_2 синфлари мисолида қуйидаги натижалар олинди:


$R_{12} = \{X_7, X_{12}, X_{13}, X_{14}, X_{15}\}$ - информатив белгили муносабат;

$R_{12} = \{X_1, X_3, X_4, X_7, X_8, X_{12}, X_{13}, X_{14}, X_{15}, X_{16}\}$ - информатив ва резерв белгили муносабат.

Диссертациянинг “**ПРАСК-2М таниб олувчи дастурий мажмуасининг ишлаб чиқилиши ва тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш**” деб номланган тўртинчи боби модификацияланган БҲА асосида таниб олувчи дастурий мажмуаларни яратиш, уларни синовдан ўтказиш ҳамда амалий масалаларга жорий қилишга бағишланган.

Биринчи параграфда ПРАСК-2 ва ПРАСК-2М мажмуалари, уларнинг функционал схемаси, блоклари, модуллари, график интерфейси ва маълумотлар базалари ҳақида маълумотлар келтирилган.

1-расмда ПРАСК-2 мажмуасининг танланмалар ҳақидаги ахборотларни акс эттирувчи ойнаси келтирилган:



1-расм. ПРАСК-2да танланмалар ҳақидаги ахборотни акс эттириш

Иккинчи параграфда ПРАСК-2 ва ПРАСК-2М мажмуаларида модели масалалар устида олиб борилган тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Модел масалаларда ўтказилган синов натижалари қуйидагича: Iris масаласида – 98 % (150 та объектдан 147 та объект); Wine масаласида – 95,5% (178 та объектдан 170 та объект; “Glass” масаласида – 85,04% (214 та объектдан 182 та объект).

Учинчи параграфда таълим соҳасида тимсолларни аниқлаш усулларини қўлланилишига оид амалий масала ҳал этилган. Билим олувчиларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ва компетентлик даражасини ривожлантириш мақсадида, уларни махсус фан соҳалари бўйича таснифлаш ва мақсадли йўналтириш масаласи БҲА ёрдамида ҳал этилган.


Тўртинчи параграфда ПРАСК-2Мда ўсимликларнинг бир туркуми “*Tulipa L.*” (лола) гербарийлар намуналарини идентификациялаш ва таснифлаш масалаларини ҳал этиш босқичлари келтирилган. Яратилган “DBTulipa” маълумотлар базасидан дастлабки 80 × 16 ўлчамли ўқув танланма жадвали шакллантирилди. Бу жадвал 16 та белги орқали тавсифланган 80 та объектдан иборат бўлиб, 4 та синфга ажратилган. Объектларни ўқув танланмага киритиш формуласи қуйида кўринишда ифодаланган:

$$Corr_i(S_i) = \begin{cases} 1, \text{ агар } \frac{1}{g(K_u)} \Gamma_u(S_j) > \frac{l-1}{m-g(K_u)} \sum_{S_j \in K_u} \Gamma_u(S_j) + \tau, \\ 0, \text{ акс ҳолда.} \end{cases}$$

Бу ерда τ – ўзгармас миқдор.

Танланмада келтирилган 16 та белгидан 5 таси норавшан белги ҳисобланиб, ишда уларда фойдаланилган сўзлар ва жумлалар норавшан тўпламлар сифатида тадқиқ этилган. Намуна сифатида “Барг четининг

тўлқинланиши” норавшан белгиси келтирилади. Мутахассислар ёрдамида B_1 – “тўлқинланмаган”, B_2 – “кам тўлқинланган”, B_3 – “тўлқинланган” ва B_4 – “кўп тўлқинланган” терм-тўпламлар аниқланди ва уларнинг муҳокама соҳаси 0 дан 12 гача шартли бирлик бўйича шкалалаштирилди. Ушбу норавшан тўпламларнинг тегишлилик функциялари 2-расмда келтирилган:



2-расм. Терм-тўпламларнинг тегишлилик функциялари

Бешинчи параграфда ПРАСК-2М мажмуасида шахсни кулоқ чаноғи маълумотлари асосида шакллантирилган бир нечта ўқув танланмаларнинг сифатини аниқлаш масаласи ҳал этилди. “SHQT” маълумотлар базасига “Ellips”, “Aylana” ва “To’g’ri to’rtburchak” алгоритмлари ёрдамида ажратилган $n = 48$, $n = 72$, $n = 84$, $n = 96$ ва $n = 120$ белгили 15 та ўқув танланмалар маълумотлари сақланади. Улардан сифатли ва кам харажатли ўқув танланмани топиш талаб этилади. Тажрибавий тадқиқот натижасига кўра ўқитиш сифати 96,95% ва энг кам вақт сарфланган, “Ellips” алгоритми орқали аниқланган $n = 72$ белгили ўқув танланма ажратиб олинди.

ХУЛОСА

“Норавшан тўпламлар назарияси элементларига асосланган баҳоларни ҳисобловчи таниб олиш алгоритмлари” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Норавшан тўпламлар назарияси элементларидан фойдаланиладиган маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни аниқлаш усул ва алгоритмларининг такомиллаштирилиши турли типли белгилар орқали тавсифланадиган объектларни қиёслаш сифатини оширишга имкон беради.

2. БҲА параметрлари, жумладан, таянч тўпламлар тизимида овоз бериш узунлиги, бўсағавий қийматлар, муҳимлик даражалари кабиларнинг мақбул қийматларини аниқлаш усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар воситасида олинган БҲА параметрларининг мақбул қийматлари унинг самарали тимсолларни аниқлаш алгоритмини аниқлашга хизмат қилади.

3. Бўсағавий параметрларнинг мақбул қийматларини аниқлашда генетик алгоритм усулидан фойдаланиладиган алгоритм ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритм параметрлар мақбул қийматларининг кўп вариантли ечимларини топиш орқали объектларни таснифлашга кетадиган вақт сарфини 15-20%га тежаш имконини беради.

4. Белгиларининг қийматлари миқдорий ва сифатий кўринишда тавсифланадиган объектларни қиёслаш учун элементар мантиқий классификаторлар ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди. Норовшан белгиларни қиёсловчи элементар мантиқий классификатор учун тегишлилик функцияларини куриш ва уларнинг параметрларини генетик алгоритм ёрдамида созлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмлар норовшан белгининг терм-тўпламларини қиёслаш сифатини оширишга имкон беради.

5. БХАнинг норовшан тўпламлар назариясидан фойдаланиладиган саккиз босқичли модификацияси ишлаб чиқилди. БХАнинг ушбу модификацияси S_j объектларнинг K_u синфларга берадиган $\Gamma_u(S_j)$ баҳоларини ҳисоблаш аниқлиги ва ишончлилигини 1,3 марта оширишга хизмат қилади.

6. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар асосида таниб олувчи дастурий мажмуалар (ПРАСК-2, ПРАСК-2М, “Tulipa Recognition” ва х.к.) яратилди ва синовдан ўтказилди. Яратилган дастурлар турли амалий соҳаларда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш, тимсолларни аниқлаш масалаларини ечишга хизмат қилади.

7. Яратилган таниб олувчи дастурий мажмуалар Жиззах вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида экинлар ва экинзорларнинг мувофиқлигини аниқлаш ва ҳосилдорликни башоратлаш масалаларини ҳал этишга, Самарқанд вилоят “Компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонасида ахборотларни қайта ишлаш ва башоратлаш тизимларида хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини баҳолаш, таснифлаш ва башоратлаш масалаларини ҳал этишга, ЎзРФА Ботаника институтида “*Tulipa L.*” туркуми гербарий намуналари идентификация қилиш ва таснифлаш масалаларини ҳал этишга жорий қилинган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.07.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЦЕНТР ИНФОРМАЦИОННО-
КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

ХАМРОЕВ АЛИШЕР ШОДМОНКУЛОВИЧ

**РАСПОЗНАЮЩИЕ АЛГОРИТМЫ ВЫЧИСЛЕНИЯ ОЦЕНОК НА
БАЗЕ ЭЛЕМЕНТОВ ТЕОРИИ НЕЧЕТКИХ МНОЖЕСТВ**

05.01.03 – Теоретические основы информатики

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/T47.

Диссертация выполнена в Научно-инновационном центре информационных-коммуникационных технологий при Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Камилов Мирзаян Мирзаахмедович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Игамбердиев Хусан Закирович**
доктор технических наук, профессор, академик

Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Самаркандский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.07.01 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100202, г.Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № _____). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от «__» _____ 2018 г.).

Р.Х.Хамдамов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.

Н.Равшанов

Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в связи с резким ростом объема данных об объектах, процессах и явлениях различных областей человеческой деятельности особое внимание уделяется разработке и усовершенствованию методов интеллектуального анализа этих данных. Разработанные методы и алгоритмы, основанные на теории нечетких множеств, в интеллектуальных системах и распознающих программных комплексах используются в технологических средствах «Роботы среди людей – уже привычная ситуация. Проведённое в 2017 году Международной федерацией роботехники исследование показало, что в 2016 году во всем мире трудились около 1,5 миллиона роботов, а к концу 2017 года их количество увеличится до 1,9 миллионов»¹. В этом отношении, важное значение имеют проводимые в развитых зарубежных странах мира, в частности, в США, Японии, Германии, Великобритании, России, Азербайджане, а также в Узбекистане, исследования в области внедрения теории нечетких множеств на практику.

В мировой практике в таких базирующихся на человеческий разум направлениях, как интеллектуальный анализ данных и распознавание образов, проводятся целевые научные исследования по разработке и усовершенствованию современных методов с «естественным» подходом, основанным на теории нечетких множеств. В этой связи, особое внимание уделяется научным исследованиям в области разработки и усовершенствования эвристических алгоритмов, основанных на принципе частичной прецедентности распознавания образов, а также методов распознавания образов с использованием элементов теории нечетких множеств.

На сегодняшний день в нашей республике для развития информационно-коммуникационных технологий особое внимание уделяется разработке программного обеспечения, обработке и хранению данных, обеспечению их безопасности, а также созданию и практическому внедрению центров сбора данных (Data Centre). В этой сфере, в частности для хранения, цифровой обработки и интеллектуального анализа больших объемов данных (изображения, сигналы, звук и видео) разрабатываются программные продукты. Вместе с тем, требуется разработать модифицированные алгоритмы распознавания образов и усовершенствовать модули сравнения объектов, описываемых разнотипными признаками, в частности, нечеткими множествами, с целью повышения эффективности программных продуктов, разрабатываемых в области интеллектуального анализа данных. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в частности «Дальнейшее развитие информационно-коммуникационных технологий, создание благоприятных организационных, технологических и экономических условий для разработчиков программных продуктов, ... внедрение информационно-коммуникационных технологий в

¹ <https://rb.ru/longread/The-future-is-not-painful/>

экономику, социальную сферу, системы управления»². Выполнение данных задач, в частности разработка распознающих с использованием элементов теории нечетких множеств для систем интеллектуального анализа данных, является одним из важнейших вопросов в настоящее время.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных указами Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-5264 от 29 ноября 2017 года «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-1989 от 27 июня 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию Национальной информационно-коммуникационной системы Республики Узбекистан», №ПП-2158 от 3 апреля 2014 года «О мерах по дальнейшему внедрению информационно-коммуникационных технологий в реальном секторе экономики» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросам разработки алгоритмов и методов распознавания образов по прецедентам посвящен ряд научных исследований, в частности, разработаны модель распознавания Ф.Розенблата на основе нейронных сетей (перцептрон Розенблата), метод потенциальных функций российских ученых М.А.Айзермана, Э.М.Бравермана и Л.И.Розоноэра, статистическая теория распознавания В.Н.Вапника и А.Я.Червоненкиса, алгоритмы вычисления оценок Ю.И.Журавлева, метод комитетов В.Д.Мазурова, алгоритмы таксономии и анализа знаний Н.Г.Загоруйко, логические методы распознавания и поиска зависимостей Г.С.Лбова. Базируясь на идее тестового алгоритма С.В.Яблонского, алгоритмы вычисления оценок основаны на принципе частичной прецедентности и разработаны Ю.И.Журавлевым и совершенствуются учеными его школы. Значительный вклад в развитие этого направления теории распознавания образов внесли наши ученые: М.М.Камиллов, Ш.Х.Фазылов, Ф.Т.Адылова, З.Т.Адылова, Н.А.Игнатъев, А.Х.Нишанов, Э.М.Алиев, Ш.Э.Туляганов и другие.

Американским ученым Л.Заде в 60-ые годы прошлого века на базе моделирования задач нечеткой логики была разработана теория нечетких множеств. Данное направление использует естественный язык описания данных через лингвистические термы при решении близких к человеческому мышлению задач таких, как моделирование, классификация и анализ данных. Развитию теории нечетких множеств посвящен ряд работ таких зарубежных

² <http://strategy.regulation.gov.uz/ru/document/2>

ученых, как: Л.Заде, А.Дюбуа, А.Прада, Е.Мамдани, М.Сугено, Т.Такахи, М.Джамшиди, Н.Н.Моисеева, С.А.Орловского, Э.Мушника, О.И.Ларичева, Г.С.Поспелова, Д.А.Поспелова, Р.А.Алиева и других. В Узбекистане вопросам разработки интеллектуальных гибридных систем, методов принятия решений в условиях неопределенности основанных на системах мягких вычислений в промышленных системах, теории нечетких множеств, выводов нечеткой логики посвящены работы Ф.Б.Абуталиева, Т.Ф.Бекмуратова, Д.Т.Мухамедиевой, М.А.Рахматуллаева, Н.Р.Юсупбекова, Р.Н.Усманова, О.Ж.Бобомуродова, З.Б.Мингликулова и других авторов.

Несмотря на это, вопросы разработки алгоритмов вычисления оценок с использованием элементов теории нечетких множеств изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проектов плана научно-исследовательских работ Научно-инновационного центра информационно-коммуникационных технологий при Ташкентского университета информационных технологий имени Мухаммада ал-Хоразми: Ф4-ФА-Ф004 «Теория информационно-распознающих систем частичной прецедентности и методы их применения для интеллектуального анализа данных» (2012-2016), А5-ФА-Ф019 «Программно-алгоритмический инструментарий интеллектуального анализа данных для систем поддержки принятия решений» (2012-2014) и А-5-004 «Разработка программно-алгоритмического обеспечения информационно-распознающей системы идентификации растений» (2014-2017).

Целью исследования является разработка модифицированных алгоритмов вычисления оценок с использованием элементов теории нечетких множеств в интеллектуальном анализе данных.

Задачи исследования:

разработка методов и процедур нахождения оптимальных значений параметров моделей алгоритмов распознавания основанных на вычисления оценок;

построение функций принадлежности для признаков, выраженных в виде нечетких множеств, и усовершенствование этапов алгоритма нахождения значений функции близости алгоритмов вычисления оценок на основе этих функций принадлежности;

разработка модифицированных алгоритмов вычисления оценок с использованием элементов теории нечетких множеств при решении задач распознавания;

разработка подхода определения признаковых отношений между классами для формирования системы опорного множества;

создание программно-распознающего комплекса ПРАСК-2 на основе разработанных методов и алгоритмов.

